Литература

1. Богомазова И.В. К вопросу исследования профессионально-важных качеств как комплекса свойств личности психолога. // Прикладные исследования психологии личности: Сборник научных трудов. - Тольятти: ТГУ, 2009. Вып. 1. - С. 38-46.
2. Быкова Е.А. Становление профессионально-важных качеств будущего психолога на этапе обучения в ВУЗе. // Актуальные проблемы образования: первые шаги в социум: Материалы IV Всероссийской межвузовской научно – практической конференции 27 февраля 2006г., ЧГПУ. – Челябинск: 2006. - С. 200-205.
3. Варфоломеева О.В. Профессиональное становление психолога - психотерапевта. Монография. - К.: ГП «Информационно - аналитическое агентство», 2008. –С. 428.
4. Волкович А.Г. Подходы к определению модели профессионально важных качеств практического психолога. // Психологические аспекты профессионального становления: Сборник материалов Всероссийской межвузовской научной конференции. - М.: РИПО ИГУМО и ИТ, 2009. - С. 35-40.
5. Жданова С.П. Проблема профессионально-важных качеств психолога. //Материалы Международной научно-практической конференции «Профессиональная деформация специалистов образовательного учреждения проблемы и пути их решения» - Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2004. - С. 44-47.
6. Кочетков И.Г. Проблема изучения профессионально-важных качеств и творческого мышления психолога: Материалы региональной научно-практической конференции. - Ульяновск: Симбирская книга, 2006. - С.81-91.
7. Лебедева А.А. Развитие профессионально важных качеств психолога-консультанта. // Материалы 2-й Всерос науч. практ. конф. психол. практ. -М.: 2006. - С.124-127.
8. Орлов В.А. Мотивационный фактор профессионально желаемых черт психолога. // Социально-психологические проблемы образования: вопрос теории и практики: Сборник научны трудов. Вып.2. - М.: МГГШУ, 2004. - С. 41-48.
9. Рожкова А.П. Формирование профессионально важных качеств практического психолога как необходимое условие повышения эффективности профессиональной подготовки в вузе. // Материалы Международной конференции «Личность в современном мире». - Курган: Изд-во Курганского гос. ун-та, 2001. - С.189-190.
10. Сорокина О.В. Креативность как профессионально-значимое качество психологов. // Вестник Московского государственного областного университета, серия «Психологические науки». М.: МГОУ, 2007. №3. - С. 332-339.
11. Тарасов С.В. Особенности развития профессионально важных качеств студентов-психологов посредством моделирования личностно значимых ситуаций в процессе обучения в вузе. – Пенза: ПГПУ, 2004. - С. 37-39.
12. Шаяхметова В.К. Понятие профессионально-важных качеств в отечественной и зарубежной психологии. // Методология и методика формирования научных понятий у учащихся школ и студентов вузов: Материалы XII междунар. науч. практ. конф., -Челябинск: ИИУМЦ «Образование», 2005, Ч.1. - С. 53-56.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада психологнинг самарали фаолиятининг омили сифатида психолог фаолиятига қўйиладиган касбий аҳамиятга эга хусусиятлар ва замонавий талабларнинг назарий таҳлили берилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье дан теоретический анализ профессионально-значимых особенностей и предъявляемые современные требования к деятельности психолога как фактор эффективной деятельности психолога.

SUMMARY. Theoretical analysis of professionally significant features and modern requirements for psychologist's activity as a factor of psychologist's effective activity is given in the paper.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИДА КАСБИЙ ДЕОНТОЛОГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.А.Собирова – *психология фанлари доктори (DSc)*

Бухоро психология ва хорижий тиллар институти

Таянч сўзлар: ижтимоий компетенция, социал-психологик компетентлик, деонтология, рефлексия, альтруизм.

Ключевые слова: социальная компетенция, социално-психологическая компетентность, идентификация, рефлексия, альтруизм.

Key words: social competence, social-psychological competence, identification, reflection, altruism.

Дунёда юқори малакали, рақобатдош, мустақил фикрлайдиган мутахассисларни тайёрлашга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда тиббиёт ходимларининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг психологик механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. «Соғлиқни сақлаш тизимлари саломатлик ва фаровонлик учун»[1] Таллин хартияси ва бошқа муҳим халқаро ҳужжатларда аҳолининг тиббиёт ва психология фанлари ютуқларидан фойдаланиши зарурлиги билан бир қаторда тиббиёт ходимларининг профессионал компетентлиги масаласига ҳам алоҳида урғу берилади. Бу борада бутун дунёда ўзига хос тарзда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида тиббиёт ходимлари фаолиятига қўйиладиган талаблар, уларнинг касбий, шахсий ва интеллектуал салоҳиятини психологик жиҳатдан такомиллаштириш масалалари долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда [3].

Тиббиёт ходимларини психологик тайёргарлигини тиббиёт деонтологияси тамойиллари асосида ошириш бугунги кундаги долзарб муаммолардан биридир. Мустақил Ўзбекистонимизда деонтологиянинг шаклланишига буюк алломаларимиз Хоразмий, Фарғоний, Исмоил ал Бухорий, Ат-Термизий, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Исмоил Журжоний, Марғиноний, Замахшарий, Махмуд Қошғарий ва бошка буюк олимларимиз ўзларининг яратган нодир асарлари билан катта таъсир кўрсатишди. Айниқса Абу Али ибн Сино тиббиёт соҳасидаги ўлмас асарлари билан Ўрта Осиёда тиббиётнинг шаклланишига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшган. Абу Али ибн Сино яхшиликка олиб борувчи ахлоқ, қоидаларини ривожлантиришга ёрдам берувчи тадбирлар орқали тарбияни изчил амалга ошириш мумкинлигини алоҳида қайд этади. Абу Али ибн Синонинг таъкидлашича, «Энг муҳим ахлоқий бойлик адолатдир». Ахлоқий тушунчалар ақлга, билимга асосланиши лозим. Лекин инсон канчалик билимдон ва олим бўлмасин ахлоқий тамойилларга таянмаса, у одобсизлик ва ёмонликка йўл қўяди. Ибн Сино ўзининг «Қуш тили» асарида иккиюзламачилик, Ёлғончи-лик, хоинлик каби иллатларни қоралайди. Инсон устидан ҳар қандай зўравонликни қоралайди. Ибн Синонинг ёзишича, инсонниинг энг яхши фазилатларидан бири ўзининг ёмон ахлокий иллатларини англаб, уларни йўқотишга интилишидир. Унинг яхши ҳислатлари ичида бошқаларга эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш алоҳида ўрин тутади. Кимки ўз ахлоқини тарбиялаш учун ўз олдига қўйган вазифасини бажариб, ўз хулқини тузатишга интилса, унга ҳеч нарса қўрқинчли эмас. Кимки ўз хатосини тузата олсагина, у бошқаларнинг тарбияси ҳақида ғамхурлик қила олиши мумкин [2].

Тиббиёт деонтологиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

[1] ttp//apps.who.int/gb/bd. Word health Organization Basic documents.

- тиббиёт ходимлари хулқ-атворининг даволаш самарадорлигини имкони борича оширишга каратилган тамойилларини ўрганиш.

- тиббий хизматдаги ноқулай омилларга, ҳамшира ва врач фаолиятидаги зиддиятларга, патологик кўринишларга барҳам бериш.

- тиббиёт ходимлари билан беморлар ўртасида ўрнатиладиган ўзаро муносабатлар тизимини ўрганиш;

- замонавий тиббиёт ва бемор талабига жавоб бермайдиган тиббиёт хизматининг зарарли омилларини тугатиш.

-тиббиёт ходими беморлар билан, ўз касбдошлари билан мулоқотда сабр-чидамли, самимий хушмуомалада бўлиши, касбдошларига меҳрибон бўлиши лозим [1:2].

Тиббиёт ходимлари деонтология ва унинг омилларини ривожлантиришга мўлжалланган тренинг дастуримиз иккита босқичли дастурдан иборат бўлиб, уларни ҳар бири бир кунлик вақтни олишини ҳамда иштирокчилардан ортиқча вақт талаб этмаслигини инобатга олиб режалаштирилди. Ривожлантирувчи тренинг дастурларида тиббиёт ходимларининг икки меҳнат кунига мўлжалланганлиги боис, уларда социал-психологик компетентликни етакчи омили бўлмиш социал интеллект ва касбий фаолиятда ривожланишига хизмат қилувчи социал-психологик компетентликни ўстириш эътиборга олинди.

Соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларини социал-психологик компетентлигини бундай йўл ва усуллар орқали ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга ва бугунги кундаги оптимал ечимлардан бири ҳисобланади. Психологик тренинг жараёнидаги ҳар бир ўтказилган тренинг машғулотлари шахснинг ўзини ўзи психологик жиҳатдан тайёргарлигини оширган ҳолда унга тажриба орттириш имконини беради. Умуман, тренинг дастури қуйидаги талабларни ўз ичига олади.

1. Гуруҳий фаолият тамойилига риоя қилиш, иштирокчиларнинг бир гуруҳдан бўлиши, шахслараро муносабатда ассертив хулқнинг мавжудлиги.

2. Гуруҳий ва индивидуал тренинг жараёнида энг илғор методларнинг танлаш .

3. Гуруҳ иштирокчилари орасидаги ўзаро ҳиссий-эмоционал сифатларни инобатга олиниши.

4. Иштирокчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларига эътибор қаратиш.

5. Гуруҳлар билан тренинг дастури жараёнида содир бўладиган ижобий энергияни йўқолмаслиги учун гуруҳда муҳокама қилинган муаммоларнинг гуруҳдан ташқарида тарқатишнинг таъқиқланиши.

6. Тренинг ўтказиладиган хонани жиҳозланишига эътибор бериш. Хона иштирокчилар учун қулай бўлишига ҳамда уларни чалғитувчи ташқи омилларнинг мавжуд бўлмаслигига эътибор қаратилиши.

7. Мақсадни аниқ ва равшан белгилаб олиш. Гуруҳ иштирокчиларига психологик ёрдам беришнинг мақсад қилиб олиниши. Тренинг натижасида респондентларда психологик билим ва малакалар орқали социал-психологик омилларни ривожлантирибгина қолмай, балки жамоада психологик иқлимни яхшиланиши ва кейинчалик психологик ўзини ўзи такомиллаштириш мотивларини вужудга келтиришга урғу берилади. Шунинг учун тренинг самарадорлиги нафақат объектив мезонлар, балки субъектив мезонлар билан ҳам ўлчанади.

8. Жамоада психологик иқлимни ва ижобий, самимий ва эркин мулоқот муҳитининг шакллантирилиши. Тренинг жараёнидаги ўзаро муносабат одатдаги шахслараро муносабатлардагига кўра руҳан ижобий, эмоционал, очиқ ва самимийдир. Фаолият жараёнида гуруҳ билан ишлашнинг дастлабки босқичида тренернинг асосий вазифаси ижтимоий муҳитни яратиш, самимий мулоқот учун психологик хавфсиз шароитни юзага келтиришдан иборат бўлади. Дастурнинг амалга ошириш тизими бир неча босқичдан иборат. Унинг батафсил ҳолати қуйида тақдим этилади**.** Ушбу ривожлантирувчи дастурларни амалиётда татбиқ этишда алоҳида ва ўзаро изчилликда фойдаланиш ҳам назарда тутилган. Тиббиёт ходимлари деонтологиясини ривожлантириш дастури оқибатида тиббиёт ходимлари ўзларининг фаолият жараёнидаги шахсий ва касбий ўсишидаги нуқсонларни тузатишга эришдилар дейиш мумкин. Буни психотренинг дастурини қўллашдан кейинги босқичдан олинган натижалар ҳам тасдиқлади [4].

1-жадвал. Тиббиёт ходимларида социал интеллект натижаларининг қиёсий кўриниши N=920

№	Компонентлари	Психотренинг дастурини татбиқ этишга қадар		Психотренинг дастурини татбиқ этгандан кейин		P
		M	S	M	S	
1.	Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	3,25	0,86	4,24	0,61	0,005
2.	Новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	3,16	1,10	4,30	0,55	0,005
3.	Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	2,94	0,95	4,24	0,61	0,001
4.	Шахслараро ўз аротаъсирлашувни таҳлил этиш	3,11	1,17	3,35	0,60	0,12

Изоҳ: ***$p<0,001$
M – Ўртача арифметик қиймат
S – Стандарт оғиш
p – статистик фарқ

Психотренинг дастурида социал-психологик компетентлик омилларини ривожлантиришга бағишланган машқлар орқали тиббиёт ходимлари ўзларини турли вазиятларда синаб кўрдилар ва унинг натижаларини таҳлил қилдилар. Психотренинг дастуридаги гуруҳий жипсликни таъминлаш ва зўриқишлардан халос бўлиш, ҳар хил вазиятларга мос реакцияларни шакллантиришга доир баҳс-мунозараларни ташкил этиш уқуви, тингловчанлик кўникма ва малакаларини, ўзининг фикрини асосли баён этиш ўқувини, низоли вазиятларга ҳозиржавоблик кўникмасини шакллантириш, ассертив хулқни ривожлантириш, кузатувчанликни, ифодали эмоцияни талқин қилиш кўникмасини, новербал тилни ўқиш малакасини эгаллаш, новербал тилни ўқиш малакаларини ўзлаштириш, эмоциялар билан уларнинг новербал намоён бўлиши ўртасидаги боғлиқликни ҳис этишни кучайтириш, ўзининг эмоционал ҳолатини аниқ ифодалаш кўникмасини ўзлаштириш, интуицияни, социал тафаккурни ва касбий мослашув қобилиятини ривожлантириш машқлари режаси қўйилмаганлигини гувоҳи бўлинди. Натижада тиббиёт ходимлари ушбу тадқиқот ва ундаги оптималлаштириш дастурида иштирокидан миннатдор эканлигига ва касбий фаолияти учун зарур шахслилик ва касбий сифатларни намоён этишга эришилди. Буни юқоридаги жадвал натижаларидан ҳам билса бўлади (1-жадвалга қаранг).

Шунингдек, тиббиёт ходимларининг социал-психологик компетентлигини ривожланишида социал интеллектнинг роли алоҳида ўрин тутишини аниқлашда

психотренингдан кейинги босқичда ҳам изланиш давом эттирилди. Тиббиёт ходимларининг социал интеллектини ўрганиш тестини такрорий натижаларида мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш (3.25 ва 4,24, t=-11,28; p<0,001); новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш (3,16 ва 4,30, t=-10,13; p<0,001); вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш (2,94 ва 4,24, t=-13,31; p<0,001) қобилиятларни ўстиришга эришганлиги аниқланди.

Бундан кўринадики, дионтология омилларини ривожлантириш учун ҳар бир шахс, хусусан, тиббиёт ходимлари ўз устларида ишлашлари ва социал тажрибаларини изчил ошириб боришлари лозим экан. Бу орқали эса, тиббиёт ходимларининг касбий ва шахсий ривожланиши ҳамоҳанг кечишига эришиш муҳимдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимлари учун қуйидаги амалий тавсиялар тақдим этилади.

1. Суҳбат жараёнида суҳбатдошнинг ҳиссиёти, унинг кечинмаларини тушунишга қийналиш ҳолатлари безовта қилган шароитларда биринчи галда кузатувчанлик хусусиятини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун кинофильмларни томоша қилиб, унинг қаҳрамонлари тўғрисидаги тавсифини бошқа томошабинлар билан солиштириш орқали эришиши мумкин.

2. Новербал хатти-ҳаракатларни баҳолаш учун ҳам худди шу сингари фаолиятни амалга ошириши ва фильмни овозсиз томоша қилиб, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатини баҳолаши муҳимдир.

3. Тиббиёт ходимлари ўртасида мулоқотмандлик, шахснинг экапрессив ва новербал хатти-ҳаракатлари, муомала жараёнида ўз фикрларини назорат қилиши ва суҳбатдошнинг тинглашга доир социал тренинг ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

4. Тиббиёт ходимларига ижтимоий идентификация, ижтимоий перцепция ва суҳбатдошга таъсир кўрсатиш ҳамда бошқаришга доир психологик маърифат машғулотларини ташкил этиш муҳимдир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. №6 (766). 70-модда. –Тошкент: “Адолат”, 2017, 38-б.

2. Андреева Г.М. Социальная психология. –М.: “Аспект пресс”, 1996. –С. 178.

3. Майерс Д. Социаьная психология/ Интенсивный курс 3-изд., «Олма Пресс». - С.Петербург – Москва: 2002, –С. 188.

4. Ибодуллаев З.Р. Tibbiyot psixologiyasi, 3-nashr. Darslik. –T.: 2019, 486-b.

5. Собирова Д.А. Тиббиёт ходимлари касбий компетентлигининг психологик асослари. Монография. –Бухоро: “Дурдона”, 2020, 248-б.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада тиббиёт ходимларининг деонтологияси шаклланишининг илмий-назарий асослари ҳамда унга таъсир қилувчи омилларнинг ўрни ва аҳамияти очиб берилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье освещаются научные и теоретические основы социальной деонтология медицинских работников, а также роль и значение факторов влияющих на нее.

SUMMARY. This article highlights the scientific and theoretical foundations of the social deontologiya of health workers and the role and importance of the factors influencing it.

ҚАРАҚАЛПАҚ ШАҢАРАҚЛАРЫН БЕККЕМЛЕЎДИҢ СОЦИАЛ ПСИХОЛОГИЯЛЫҚ ФАКТОРЛАРЫ

Б.О.Темирбеков – *ассистент оқытыўшы*

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Таянч сўзлар: оила, урф-одат, дастурлар, никоҳ, эр-хотин, “мурындиқ ата”, “мурындиқ ана”, жамият, маънавий, шакллантириш, омиллар.

Ключевые слова: семья, обычаи, традиции, брак, муж-жена, крестный отец, крестная мать, социальный круг, духовность, формирование, факторы.

Key words: family, customs, traditions, , marriage, husband-wife, Godfather, Godmother, social circle, spirituality, spirituality, formed, factors.

Жәмийеттиң, мәмлекеттиң раўажланыўында шаңарақтың беккемлиги үлкен әҳмийетке ийе. Сонлықтанда ҳәр бир шаңарақтың саламат болып қәлиплесиўинде оларда унамлы психологиялық орталықтың болыўын тәмийинлеўимизде, шаңарақ ағзалары ҳәм бир-бири менен болатуғын өз-ара жақсы қарым-қатнас мүнәсибетлери менен әмелге асады.

Өзбекстан Республикасы Конституциясының 63-статьясында «Шаңарақ жәмийеттиң тийкарғы буўыны болып есапланады, сондай-ақ жәмийет ҳәм мәмлекет қорғаўында болады».

Демек шаңарақтың беккемлиги жәмийеттиң сиясый, экономикалық социаллық раўажланыўдың тийкарғы факторларынан бири болып есапланады. Шаңарақта жетик шахсты қәлиплестириў ҳәмде оны әдеп-икрамлы етип тәрбиялыў, минез-қулық нормалары ҳәм физикалық сыпатлары синдирилип барылады.

Шаңарақтың пайда болыўы бул некеге байланыслы, неке бул еки жастың бас қосыўы, қуўанышта, қайғыда бирге болыўына келисиў. Бир өмирге бирге жасаў ушын дүзилип атырған келисим. Неке мәресимин әдетте биз той деп атаймыз. Той бул Қарақалпақ халқының ең үлкен қуўанышларының белгиси. Халықта сондай сөз бар “Жыйған тергениң тойға буйырсын” деген, усы қуўаныш белгиси болған тойларда халықтың көпғана үрип-әдет дәстүрлери исленеди. Қуда түсиў, қыз узатыў, бет ашар ҳ.т.б. Мурындық ата, апа болыў, сайлаўда бул миллетимиздиң өзине тән болған дәстүри [2].

Қарақалпақ шаңарақларын беккемлеўде бурыннан ата-бабаларымыздан киятырған урип-әдет дәстүрлеримизден бири мурындық ата яки мурындық ананың ўазыйпалары бас қосып атырған жас шаңарақлардын беккем болыўы, олардың жаңаша өмирге бейимлесип кетиўине үлкен жәрдеми тийген. Оннан басқа мурындық ата яки мурындық апа қандайда бир шаңараққа жаңадан келин болып түскен ўақытта сол шаңараққа жақын туўысқанын ямаса жақын жора жолдасы, қоңсы-қобасы, таныcларын қойып бизгеде усындай келин несиб етсин деп сол үйдиң келинин өзине қыз етип алған яки жаңа туўылған балаға айтылатуғын болса сол мағанда шаңарағымызға усындай перзент берсин деп ырым етип мурындық ата-яки мурындық апа атанатуғын болған. Оның өзине жараса миннетлери, ўазыйпалары болып, сол келин-кийеўге өз балаларыннан кем қарамаўы ҳәмде мәсләҳәтлерин берип, ақыл-нәсият айтатуғын болыўы, керек жеринде жәрдем берип қоллап-қуўатлаўы керек. Мурындық перзентлериде мурындық ата ҳәм апа болып сайланғанларға ҳүрмет көрсетиўи өз ата-анасындай етип көриўи керек.

Мурындық ата-апа тойда мурындық перзентлерине енши жибереди. Бул ҳәр қыйлы жәнликлер, сыйыр, қой, я басқада нәрселер болыўы мүмкин, Бул олардың турмыслық шараятынан келип шығып бериледи. Қаншелли жақсы қымбат баҳалы болмасын еншиси бул